

ОИЛАВИЙ (МАИШИЙ) ЗЎРАВОНЛИКДАН ИБОРАТ ЖИНОЯТЛАРНИ КВАЛИФИКАЦИЯ ҚИЛИШНИНГ МУҲИМ ЖИҲАТЛАРИ

Ғофуржонов Иброхимжон Музробжон ўғли*

Фарғона вилояти ИИБ

Биринчи минтақавий ҳудуд

Қува тумани ИИБ ҳузуридаги

Тергов бўлинмаси суриштирувчиси

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақола хотин-қизлар ва болаларга нисбатан шилқимлик ҳамда зўравонликнинг олдини олишга, оилалардаги маънавий-ахлоқий муҳитни яхшилаш, шунингдек суд-тергов амалиётида оилавий (маиший) зўравонлик жиноятларини тергов қилишда учрайдиган муаммолар, уларнинг таҳлили ҳамда мазкур муаммоларни бартараф этиши юзасидан таклиф ва тавсияларга бағишланган.

***Калим сўзлар:** хотини (эр), собиқ хотин (собиқ эр), бир рўзгор асосида биргаликда яшаётган шахс, умумий фарзандга эга бўлган шахс, қасддан шикаст етказиш, шаъни ва қадр-қимматини, таҳқирлаш, қўрқитиш, ажратиб қўйиш.*

ABSTRACT

This article is devoted to the prevention of abuse and violence against women and children, improvement of the moral and moral environment in families, as well as the problems encountered in the investigation of family (domestic) violence crimes in the forensic practice, their analysis, and suggestions and recommendations for eliminating these problems.

***Key words:** wife (husband), cohabitant, common child, intentional injury, honor and dignity, humiliation, intimidation, separation.*

КИРИШ

Дунёда барқарорлик, тинчлик ва осойишталикни қарор топтириш аҳоли фаровонлигини юксалтириш, юзага келаётган хавф-хатар ва таҳдидлар, аввало, нафақат юртимизда балки бутун дунёда оилавий (маиший) зўравонлик билан боғлиқ жиноятларнинг ортиб бориши, жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий негизига салбий таъсир кўрсатади.

Юртимизда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, жамиятнинг жисмоний, маънавий ва маданий жиҳатдан юксалтириш мақсадида йирик

ижтимоий дастурлар тузилиб, амалга оширилмоқда. Инсон ҳаётини ва соғлиқни сақлаш-бу ижтимоий вазифалардан бири ҳисобланади.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг самараси ўлароқ бу турдаги жиноятларнинг камайишига эришилаётган бўлса-да, бироқ оилавий (маиший) зўравонликга қарши курашишда янада самарали ҳаракатларни амалга оширишимиз лозим. Айниқса, шу турдаги жиноятларни содир этган шахсларни жиноий жавобгарликка тортиш орқали жазо муқаррарлигини таъминлаш ўта муҳим вазифа саналади.

Бу борада мамлакатимизда оилавий (маиший) зўравонликга оид жиноят ишларини кўришда қонунлар тўғри ва бир хилда қўлланилишини таъминлаш, мазкур тоифа ишлар бўйича одил судлов сифатини ошириш мақсадида 2023 йил 11 апрель куни Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 829-сон қонуни қабул қилинган бўлиб, ушбу қонун билан Ўзбекистон Республикаси қонунларига хотин-қизларни ижтимоий-иқтисодий соҳада ўз ҳуқуқлари ва манфаатларини амалга оширишида қўллаб-қувватлаш масалаларини тартибга солувчи қонунчиликни халқаро стандартлар асосида такомиллаштиришни назарда тутувчи, шунингдек болалар масалалари бўйича комиссиялар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаб қўювчи ўзгартишлар киритилган.

Бунга кўра, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 59²-модда “Оилавий (маиший) зўравонлик” билан тўлдирилиб, ушбу модда билан “хотинига (эрига), собиқ хотинига (собиқ эрига), бир рўзгор асосида биргаликда яшаётган шахсга ёки умумий фарзандга эга бўлган шахсга нисбатан содир этилган мулк, таълим олиш, соғлиқни сақлаш ва (ёки) меҳнатга оид ҳуқуқни амалга оширишга тўсқинлик қилиш, мол-мулкига ва шахсий ашёларига қасддан шикаст етказиш, худди шунингдек ушбу шахслар соғлигининг ёмонлашувига олиб келган тарзда уларнинг шаъни ва қадр-қимматини таҳқирлаш, уларни, қўрқитиш, яқин қариндошларидан ажратиб қўйиш” ҳамда “хотинини (эрини), собиқ хотинини (собиқ эрини), бир рўзгор асосида биргаликда яшаётган шахсни ёки умумий фарзандга эга бўлган шахсни дўппослаш, ушбу шахсларга соғлиқнинг қисқа муддатга ёмонлашувига ёки меҳнат қобилиятининг унча узоқ бўлмаган муддатга йўқолишига олиб

келмаган қасддан баданга енгил шикаст етказиш” учун маъмурий жавобгарлик белгиланган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 126¹-модда “Оилавий (маиший) зўравонлик” билан тўлдирилиб, унга кўра, худди шу ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин хотинига (эрига), собиқ хотинига (собиқ эрига), бир рўзғор асосида биргаликда яшаётган шахсга ёки умумий фарзандга эга бўлган шахсга нисбатан содир этилган мулк, таълим олиш, соғлиқни сақлаш ва (ёки) меҳнатга оид ҳуқуқини амалга оширишга тўсқинлик қилиш, мол-мулкига ва шахсий ашёларига қасддан шикаст етказиш, худди шунингдек ушбу шахслар соғлиғининг ёмонлашувига олиб келган тарзда уларнинг шаъни ва қадр-қимматини таҳқирлаш, уларни кўрқитиш, яқин қариндошларидан ажратиб қўйиш;

худди шу ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин хотинини (эрини), собиқ хотинини (собиқ эрини), бир рўзғор асосида биргаликда яшаётган шахсни ёки умумий фарзандга эга бўлган шахсни дўппослаш, ушбу шахсларга соғлиқнинг қисқа муддат ёмонлашувига ёки меҳнат қобилиятининг унча узоқ бўлмаган муддатга йўқолишига олиб келмаган қасддан баданга енгил шикаст етказиш;

Хотинига (эрига), собиқ хотинига (собиқ эрига), бир рўзғор асосида биргаликда яшаётган шахсга ёки умумий фарзандга эга бўлган шахсга соғлиқнинг қисқа вақт, яъни олти кундан ортиқ, аммо йигирма бир кундан кўп бўлмаган муддатга ёмонлашувига ёки умумий меҳнат қобилиятининг унча узоқ бўлмаган муддатга йўқолишига сабаб бўлган қасддан баданга енгил шикаст етказиш;

Хотинига (эрига), собиқ хотинига (собиқ эрига), бир рўзғор асосида биргаликда яшаётган шахсга ёки умумий фарзандга эга бўлган шахсга содир этилаётган пайтда ҳаёт учун хавfli бўлмаган ва ушбу модданинг олтинчи қисмида назарда тутилган оқибатларга олиб келмаган, лекин соғлиқнинг узоқ вақт, яъни камида йигирма бир кун, аммо тўрт ойдан кўп бўлмаган даврда ёмонлашувига ёки умумий меҳнат қобилиятининг ўн фоизидан ўттиз уч фоизигача йўқолишига сабаб бўлган қасддан баданга ўртача оғир шикаст етказиш;

Ушбу ҳаракатларни **а)** икки ёки ундан ортиқ шахсга нисбатан; **б)** ҳомиладорлиги айбдорга аён бўлган аёлга нисбатан; **в)** ўта шафқатсизлик билан; **г)** ғаразли ниятларда; **д)** диний таассублар замирида; **е)** бир гуруҳ шахслар томонидан; **ж)** такроран, хавfli рецидивист томонидан ёки илгари Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекснинг 97, 104 ва (ёки)

105-моддаларида назарда тутилган жиноятларни содир этган шахс томонидан; **з)** ўта хавфли рецидивист томонидан; **и)** қуролни ёки совуқ қурол сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган ашёларни ишлатиб содир этиш;

Хотинига (эрига), собиқ хотинига (собиқ эрига), бир рўзғор асосида биргаликда яшаётган шахсга ёки умумий фарзандга эга бўлган шахсга содир этилаётган пайтда ҳаёт учун хавфли бўлган қасддан баданга оғир шикаст етказиш натижасида кўриш, сўзлаш, эшитиш қобилиятини йўқотишга ёхуд бирон абзонинг ишдан чиқишига ёки унинг функциялари тамоман йўқолишига, руҳий ҳолатнинг бузилишига ёки соғлиқнинг бошқача тарзда ёмонлашувига, умумий меҳнат қобилиятининг ўтгиз уч фоизидан кам бўлмаган қисмининг йўқолишига ёки ҳомиланинг тушишига ёхуд баданнинг тузалмайдиган даражада хунуклашишига сабаб бўлиш;

Ушбу ҳаракатларни **а)** ҳомиладорлиги айбдорга аён бўлган аёлга нисбатан; **б)** вояга етмаган шахсга нисбатан; **в)** ўта шафқатсизлик билан; **г)** ғаразли ниятларда; **д)** диний таассублар замирида; **е)** бир гуруҳ шахслар томонидан; **ж)** қуролни ёки совуқ қурол сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган ашёларни ишлатиб содир этиш;

Юқоридаги ҳаракатларни **а)** икки ёки ундан ортиқ шахсга нисбатан; **б)** такроран, хавфли рецидивист томонидан ёки илгари Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекснинг 97 ва (ёки) 104-моддаларида назарда тутилган жиноятларни содир этган шахс томонидан; **в)** ўта хавфли рецидивист томонидан содир этилган бўлса; **г)** жабрланувчининг ўлимига сабаб бўлиш учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

Муқаддам мазкур моддада кўрсатилган ҳолатларнинг асосий қисми, яъни қасддан баданга (турли даражадаги) тан жароҳати етказиш учун жиноий жавобгарлик белгиланган бўлиб, киритилган нормада қасддан баданга (турли даражадаги) тан жароҳати етказиш ҳолатлари хотинига (эрига), собиқ хотинига (собиқ эрига), бир рўзғор асосида биргаликда яшаётган шахсга ёки умумий фарзандга эга бўлган шахсга нисбатан содир этилиши ҳолатлари оғирроқ жазо қўлланилиши назарда тутилган.

Мисол учун Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси 109-моддаси 2-қисмида кўрсатилган соғлиқнинг қисқа вақт, яъни олти кундан ортиқ, аммо йигирма бир кундан кўп бўлмаган муддатга ёмонлашувига ёки умумий меҳнат қобилиятининг унча узоқ бўлмаган муддатга йўқотилишига сабаб бўлган қасддан баданга енгил шикаст етказиш жинояти бир йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси 126¹-моддаси 3-қисмида кўрсатилган хотинига (эрига), собиқ хотинига (собиқ эрига), бир рўзғор асосида биргаликда яшаётган шахсга ёки умумий фарзандга эга бўлган шахсга соғлиқнинг қисқа вақт, яъни олти кундан ортиқ, аммо йигирма бир кундан кўп бўлмаган муддатга ёмонлашувига ёки умумий меҳнат қобилиятининг унча узоқ бўлмаган муддатга йўқолишига сабаб бўлган қасддан баданга енгил шикаст етказиш жинояти икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Шунингдек, шахснинг қасддан баданга ўртача оғир шикаст етказганлиги учун Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси 105-моддаси 1-қисмида уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши, ушбу Кодекс 126¹-моддаси 4-қисмида эса ушбу ҳаракатлар хотинига (эрига), собиқ хотинига (собиқ эрига), бир рўзғор асосида биргаликда яшаётган шахсга ёки умумий фарзандга эга бўлган шахсга нисбатан содир этилганида икки йилдан уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши кўрсатилган бўлиб, унда озодликдан маҳрум қилиш жазосининг энг кам миқдори икки йилгача эканлиги қатъий белгиланган.

Шахснинг қасддан баданга оғир шикаст етказганлиги учун Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси 104-моддаси 1-қисмида уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши, ушбу Кодекс 126¹-моддаси 6-қисмида эса эса ушбу ҳаракатлар хотинига (эрига), собиқ хотинига (собиқ эрига), бир рўзғор асосида биргаликда яшаётган шахсга ёки умумий фарзандга эга бўлган шахсга нисбатан содир этилганида беш йилдан етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши кўрсатилган.

Шахснинг қасддан баданга оғир шикаст етказганлиги учун Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси 104-моддаси 2-қисмида беш йилдан саккиз йилгача жазоланиши, ушбу Кодекс 126¹-моддаси 7-қисмида эса эса ушбу ҳаракатлар хотинига (эрига), собиқ хотинига (собиқ эрига), бир рўзғор асосида биргаликда яшаётган шахсга ёки умумий фарзандга эга бўлган шахсга нисбатан содир этилганида етти йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши кўрсатилган.

Шахснинг қасддан баданга оғир шикаст етказганлиги учун Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси 104-моддаси 3-қисмида саккиз йилдан ўн йилгача жазоланиши, ушбу Кодекс 126¹-моддаси 8-қисмида эса эса ушбу ҳаракатлар хотинига (эрига), собиқ хотинига (собиқ эрига), бир рўзғор асосида биргаликда яшаётган шахсга ёки умумий фарзандга эга бўлган шахсга нисбатан содир этилганида ўн йилдан ўн икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши кўрсатилган.

Ушбу ҳолатларда қасддан баданга (турли даражадаги) тан жароҳати етказиш хотинига (эрига), собиқ хотинига (собиқ эрига), бир рўзғор асосида биргаликда яшаётган шахсга ёки умумий фарзандга эга бўлган шахсга нисбатан содир этилганда оғирроқ жазо билан жавобгарликка тортилиши мумкинлигини кўришимиз мумкин.

Оилавий (маиший) зўравонликдан иборат жиноятларни квалификация қилишда ушбу жиноятнинг содир этилиш вақтини аниқлаб, шунга кўра, кейинги тергов ҳаракатларини давом эттирилиши ёки шахсга нисбатан эҳтиёт чораси танлаш масаласи кўриб чиқилиши лозим. Чунки Ўзбекистон Республикасининг ЖКнинг 13-моддасида “Қилмишнинг жинойиблиги ва жазога сазоворлиги ана шу қилмиш содир этилган вақтда амалда бўлган қонун билан белгиланади.” – деб, белгилаб ўтилган. Шунга кўра, “Хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 829-сонли қонун кучга кирган кун яъни, 2023 йил 11 апрель кунига қадар содир этилган хотинига (эрига), собиқ хотинига (собиқ эрига), бир рўзғор асосида биргаликда яшаётган шахсга ёки умумий фарзандга эга бўлган шахсга нисбатан қасддан баданга (турли даражадаги) тан жароҳати етказиш жиноятлари Ўзбекистон Республикасининг ЖКнинг тегишли моддари (104, 105, 109) билан квалификация қилиниши лозим.

Оилага, ёшларга ва ахлоққа қарши жиноятлар учун жаознинг муқаррарлигини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси 126¹-моддаси 1-қисми диспозициясини хотинига (эрига), собиқ хотинига (собиқ эрига), бир рўзғор асосида биргаликда яшаётган шахсга ёки умумий фарзандга эга бўлган шахсга нисбатан содир этилган мулк, таълим олиш, соғлиқни сақлаш ва (ёки) меҳнатга оид ҳуқуқини амалга оширишга тўсқинлик қилиш, мол-мулкига ва шахсий ашёларига қасддан шикаст етказиш, худди шунингдек ушбу шахслар соғлиғининг ёмонлашувига олиб келган тарзда уларнинг шаъни ва кадр-қимматини таҳқирлаш, уларни кўрқитиш, яқин қариндошларидан ажратиб қўйиш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин ёки муқаддам Ўзбекистон Республикаси маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекси 47⁴-моддаси (*Вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаш*) ҳамда 47⁵-модда (*Ота-онани моддий таъминлашдан бўйин товлаш*) билан жавобгарлик тортилган шахс томонидан содир этилган бўлса сўзлари билан тўлдирилиши;

Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси 126¹-моддаси 2-қисми диспозициясини хотинини (эрини), собиқ хотинини (собиқ эрини), бир рўзғор асосида биргаликда яшаётган шахсни ёки умумий фарзандга эга бўлган шахсни дўппослаш, ушбу шахсларга соғлиқнинг қисқа муддат ёмонлашувига ёки меҳнат қобилиятининг унча узоқ бўлмаган муддатга йўқолишига олиб келмаган қасддан баданга енгил шикаст етказиш ўша ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин ёки муқаддам Ўзбекистон Республикаси маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекси 47⁴-моддаси (*Вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаш*) ҳамда 47⁵-модда (*Ота-онани моддий таъминлашдан бўйин товлаш*) билан жавобгарликк тортилган шахс томонидан содир этилган бўлса сўзлари билан тўлдирилиши таклиф этилади.

Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси 66¹-моддаси (*Ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш*) 1-қисми матнини ушбу Кодекс 126¹-моддасининг бешинчи қисми билан тўлдирилиши таклиф этилади. Ушбу ўзгартиш жиноят оқибатида оилаларнинг бузилишини олдини олиш ва келгусида уларнинг тинч ва тотув ҳаёт кечиришлари учун асос бўлиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар (REFERENCES)

1. “Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 2023 йил 11 апрель кунидаги 829-сон қонуни.
2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси.
3. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси.